



ЙўЛЛАР АЙРО, МАҚСАД БИР



Юртимизда тўрт кун давом этган Ўзбекистон – Россия ёшлар фестивали ўз нихоясига етди. Анжуман кунлари меҳмонлар икки гуруҳга ажралиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига йўл олди.

2-саҳифага қаранг

ESHITDINGIZMI?

КУТИЛГАН ПРЕМЬЕРА ЖУДА ЯҚИН



Кўпчиликка танилиб улгурган режиссёр Мухлиса Азизованинг "SCORPION" бадий фильми шу йил 1 декабрда катта экранларга чиқади. Унинг илк премьераси эса, 27 ноябрь куни пойтахтимизда бошланадиган "PROlogue" халқаро кинофестивали доирасида бўлиб ўтиши кутилмоқда.
Триллер жанридаги янги картина Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Кинематографияни ривожлантириш марка-

зи кўмагида яратилди. Суратта олиш ишлари Тошкент, Бухоро, Санкт-Петербург шаҳарлари ҳамда Мароккан давлатида олиб борилган.
Фильм ёшларни халқаро жиноятчилик иллатидан огоҳ этишга қаратилган. Бош ролларни Фарход Маҳмудов, Карим Мирходиев, Юлдуз Ражабова, Раъно Шодиева, шунингдек, россиялик бир канча таникли актёрлар ижро этди.

Малик СИНДОРОВ

IFTIXOR

СОВРИНДОРЛАР САФИДАМИЗ



Дунёга теран нигоҳ билан қараш, инсоний туйғуларни тарбиялаш учун, аввало, чуқур билимга эга бўлмоқ зарур. Бу борада юртимиз ёшларига барча имконият яратилган.
Кеча нихоясига етган ва биринчи мартаба ўтказилганига қарамай, юқори эътирофга сазовор бўлган математика бўйича Муҳаммад Хоразмий номидаги халқаро фан олимпиадаси фикримизга ёрқин исбот бўла олади. Урганч шаҳри мезбонлик қилган ушбу қизгин белла-

шув, том маънода, илм-фан ва дўстлик байрамга айлангани рост.
— Бундай олимпиадалар кўпроқ ўтказилиши тарафдориман, — дейди олтин медаль соҳиб, эронлик Али Деан Набий. — Негаки, билимдон ёшларнинг бир жойда жамланиши, ўзаро мулоқот қилиши мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.
Дунёнинг йигирмата давлати вакиллари иштирок этган билимлар синовида ёш мате-

матиклар беш соат давомида бешта масалага ечим излади. Топшириқлар алгебра, математик анализ, геометрия, комбинаторика йўналишларига тааллуқли бўлиб, ҳар қайси жавоб балл тизимида баҳолаб борилди.
Яқини хулосага кўра, Хитойнинг Пекин университети, Эроннинг Шариф технология университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети талабалари энг яхши натижаларни қайд этди.
— Буюк аждодимиз номи билан аталган халқаро олимпиадада олтин медалга эга бўлиш мен учун фахр, — дейди ЎзМУ талабаси Сардор Бозорбоев. — Худди шундай лойиҳа мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ишлаб чиқилса, нур устига нур бўларди.
Эслатиш керак, Муҳаммад Хоразмий номидаги халқаро олимпиада совриндорлари сафидан жой олган Ўзбекистонлик ёшлар математика, физика ҳамда ахборот технологиялари



йўналишлари бўйича магистратурага квотадан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Сумбулой НУРМЕТОВА

Тошкентда янги филиал очилади



Кун кеча Жанубий Кореянинг Ажу университети вакиллари бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Жамшид Кўчқоров билан музокара олиб борди.
Учрашувда нуфузли таълим даргоҳининг халқаро алоқалар бўйича вице-президенти Жай Ик Лим, халқаро алоқалар бўлими раҳбари Жей Юн Хи ҳамда профессор Жун Хун Чо иштирок этди. Томонлар янги филиал биносини қуриш масаласини ҳам кўриб чиқди.
Юртимизда Ажу университети ўз фа-

олиятини келаси йилнинг кузида бошлади. Бунда архитектура, муҳандислик тизимларини таъмирлаш, электрон муҳандислик таълим йўналишлари бўйича 420 нафар талабани ўқишга қабул қилиш кўзда тутилган. Машгулотлар инглиз тилида, 2020 йилга бориб эса, қисман корейс тилига ўтказилади. Иқтидорли йигит-қизлар учун грант дастурини эълон қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Н.НУРАЛИЕВА

SPORT

Офарин, ЧЕМПИОНЛАР!

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида таэквондо ITF бўйича ўтказилган очик чемпионатда вакилларимиз муваффақиятли иштирок этди. Мазкур беллашувда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга сирдарёлик ёш спортчилар муносиб ҳисса қўшиб, нақ 7 та олтин ҳамда битта бронза медалини қўлга киритгани нихоятда қувонарли.

— Чемпион спортчиларни кўрганда уларга ҳавас қилиб, тенглашишга ҳаракат қилардим, — дейди сайхунободлик Шаҳризода Абдурахмонова. — Чемпионатнинг финал баҳсида малайзиялик рақибимни мағлуб қилгач, кўзимга ёш келди. Бу ғалаба билан тўхтаб қолмоқчи



эмасман. Олимпиадада иштирок этиш менинг ҳозирги кундаги энг юқаск мақсадимдир. Унга албатта эришаман!

Анвар ТҮЙЧИЕВ



ИННОВАЦИОН МАКТАБДА
КЕЛИН-КУЁВЛАР ҲИЙДИ 2



ЭЪТИБОР БЎЛСА
ҚАНИЙДИ 3



ҚЎШАЛОҚ
ҚАЙҒУ 4

ЙЎЛЛАР АЙРО, МАҚСАД БИР

Бухоро ёшлар марказида “Ёшлар медиа маконининг замонавий трендлари: блогинг ва ижтимоий медиа” мавзусидаги медиа-форум ташкил қилинди. Унда 100 нафардан зиёд ёш журналист ва блогерлар иштирок этди.

Ўзбекистонлик спикерлар мун-

тазам ривожланиб бораётган ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳаётига таъсири, электрон нашрларга эътиборни кучайтириш ҳамда журналист кадрларни тайёрлашга доир конструктив тақлифлар билан чиқди.

Россия вакиллари эса, “Ахборот отказиб беришда аудитория билан

ишлаш”, “Мамлакатлараро мулоқотни йўлга қўйишда интернетнинг ўрни ва роли”, “Интернетдаги глобал таҳдидларга қарши курашиш”, “Халқаро тадбирларни ёритишда журналист малакаси” каби мавзулар бўйича фикр-мулоҳаза билдириб, тажрибаси билан ўртоқлашди.

— Медиа-форум кизгин баҳс-мунозараларга бой ўтди, — дейди МДХ минтақасида ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш бўйича ахборот-таҳлил маркази бош директори, ia-centr.ru портали бош муҳаррири Дарья Чижова. — Соҳа бўйича икки мамлакат имкониятлари, ютуқ ва камчиликларини киёсий таҳлил қилдик. Айниқса, ўзбекистонлик ёш репортёрларнинг Россия Федерациясида ўзбек тилида нашр ташкил этишга доир тақлифи менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу ташаббусни, албатта, жиддий кўриб чиқамиз. Медиа-форум иштирокчилари доимий тарзда ахборот алмашиш мақсадида ижтимоий тармоқда доимий канал очинишга ҳам қелишиб олди.

Тадбирдан сўнг меҳмонлар кўҳна

ва ҳамиша навқирон Бухоро бўйлаб саёхатга отланди.

Шарқ жаҳожири — Самарқанд шаҳрида давом этган фестивал ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Дастлаб иштирокчилар Амир Темури ва Хўжа Дониёр макбараларини зиёрат қилди. Фалакиёт илми султони — Мирзо Улуғбек обсерваториясида бўлиб, бобомиз ўз даврида осмон жисмларини ўрганишда фойдаланган асбоблар билан танишди.

Фестиваль Регистон мажмуасида ташкил этилган “Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги сайёҳлик оқимини кенгайтиришда ёшларнинг ўрни” мавзусидаги амалий конференция билан давом этди. Унда туризмни инновацион ривожлантириш, электрон визаларни амалиётга жорий этиш масалалари, ёшларнинг сайёҳ сифатида жалб қилишнинг замонавий усуллари, истиқболли йўналишлар атрофида муҳокама қилинди.

Икки давлатнинг туристик салоҳиятини намойиш этишда видеороликлар намойиш этилди.



Анжуман доирасида ёшлар дам олиш масканлари, экстремал зоналарни барпо этиш, таълим, тиббиёт туризмни тарғиб этиш, қадимий шаҳарларга элтувчи маршрутлар ишлаб чиқиш каби амалий тақлифлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Россия Федерациясида ички туризмни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган “Халқаро имтиёзлар клуби” лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Мунозаралардан сўнг россиялик дўстларимиз Регистон майдонида намойиш этилган аjoyиб концерт дастуридан баҳраманд бўлди.

Ўзбекистон – Россия ёшлар фестивалига кеча Ёшлар пресс-клубида ташкил этилган хулосавий сессияда яқун ясалди.

Лайло ХАЙИТОВА,
Шаҳноза ХОЛИҚОВА



ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР Йўналишлари таҳлил қилинди

Бухорода Марказий Осиё экспертлар форумининг яқунловчи мажлиси бўлиб ўтди

Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

“Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ривожланиши минтақада ягона тарихий-маданий макон мустаҳкамланишининг омилли сифатида” мавзусида ўтган анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон сиёсий ва етакчи таҳлил марказлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев, БМТ Бош қотиббининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н.Герман ва Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В.Норов сўзга чиқди.

Анжуман маърузаларида минтақадаги энг қадимий шаҳарлардан бўлган Бухоронинг дунё тамаддунига қўшган бекиёс ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

Экспертларнинг кайд этишича, ҳозирги пайтда Марказий Осиёда тарихий-маданий, мейморий-археологик қийматга эга 10 мингдан зиёд осори-атика бўлиб, бу минтақа тарихий меросининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини кўрсатиб турибди. Бу мероснинг бутунлиги кунда дунёда

ва минтақада юз бераётган мураккаб жараёнларда мулоқот ва ҳамкорликни чуқурлаштиришда улкан роли борлиги таъкидланди. Айни шу масалада Марказий Осиёда маданиятлараро ва цивилизациялараро мулоқотларни ривожлантириш аъёналарига эътибор қаратилди.

Анжуманда Марказий Осиёда маданий-гуманитар ҳамкорликнинг янада кенгайтиши муҳимлиги назарда тутилди, қатор тақлифлар илгари сурилди. Хусусан, Марказий Осиё тарихи бўйича жамоавий муаллифлар томонидан асарлар ва ўқув адабиётлари яратилиши, умуман, ҳудуднинг тарихини комплекс ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ташкил этиш, икки томонлама ва кўп томонлама академик тадқиқотларни йўлга қўйиш лозимлиги кайд этилди.

Шунингдек, минтақа мамлакатларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Буюк ипақ йўли бўйлаб уйғунлашган сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш, маданий фестиваллар, танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бугун дунёдаги вазиятдан бохабар бўлишда, одамларни ах-

борот билан таъминлашда медиа соҳанинг ўрни катта, — деди қозоғистонлик эксперт Асел Назарбетова. — Ана шундай шароитда минтақалараро ягона медиа-макони шакллантириш тақозо этилади. Ягона ахборот макони умумий тарихий илдизи бир бўлган минтақамиз мамлакатлари учун ҳам муҳимдир. Бу борала кўшма интернет сайти, ахборот портали ташкил этиш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман. Бу медиамакони ўз маданиятимиз, маънавий-ахлоқий хусусиятларимизни ривожлантириш ва оммалаштириш нуктаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Экспертлар форуми якуни бўйича баёнома қабул қилинди. Унга кўра, томонлар 2023 йилгача мўлжалланган ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, хусусан, Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарор мустаҳкамланишни таъминлаш, транспорт-транзит, маданий-гуманитар, сайёҳлик, экология соҳаларида ҳамкорлик, иктисодий интеграция, табиий офатларга қарши курашиш, демография муаммоларини ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган амалий дастур режасини ишлаб чиқиш хусусида келишиб олдидлар.

SHU SONGA XABAR



Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ИННОВАЦИОН МАКТАБДА келин-куёвлар ўқийди

Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ органида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Оила” илмий-амалий маркази ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёш келин-куёвлар, тажрибали тренерлар ҳамда намунали оилалар вакиллари иштирок этди.



Қувончли тантана катнашчилари мактаб интерьери билан танишиб, ёш оила соҳибларига диний ва ахлоқий тарбия, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда репродуктив саломатлик мавзуларида ўтиладиган дарслар ҳақида маълумотга эга бўлди.

Таъкидлаш керак, инновацион мактабда масофадан ўқитиш технологияси жорий қилинган. Ижтимоий тармоқларда муассасанинг махсус саҳифаси юритилмоқда. Унда доимий руқилар мавжуд. Тез орада мактаб қошида “Оилавий” телеканали учун кўрсатувлар тайёрлаш амалиёти ҳам йўлга қўйилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни оилага тайёрлаш масаласига жуда жиддий қаралмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева. — Бирок бу ишлар бир тизимга солинмагани боис, самара бермапти. Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабининг



ташкил қилиш гоёси айнан шу муаммо негизда пайдо бўлди.

Тадбир якунида иштирокчиларга ёш келин-куёвлар учун яратилган “Сиз оила курдингиз!” номли қўлланма ва эсдалик совғалар топширилди.

ҳамда узок муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги ҳам айтиб ўтилган. Ва бундан ҳам кўз юмолмаймиз. Бугун она тилимиз АҚШнинг тўртта олийгоҳида, қолаверса, Жанубий Корея ва Туркиянинг айрим университетларида ўқитилмоқда. Бирок қутулган напжсага ҳали эришяётгани йўқ. Фикримча, қарор ижроси юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриلسа, ўзгичимизни намойиш этиш бадий, тарихий асарлар, миллий қадриятларимизга онд маълумотлар хорижий тилларга таржима қилинса, кўзланган мақсадга, албатта, етамиз. Бу ўзбек тилини ўрганишга иштиёқмандларнинг кўпайишига хизмат қилса, ажаб эмас.

Юқориди мен ёш билан боғлиқ муаммони бежиз тилга олмадим. Ахир, яқин-яқингача юртимизда ўттизга қирмаган одамнинг раҳбарлик лавозимига ишлаши ноёб ҳодиса ҳисобланарди. Бугун-чи? Шукрки, қобилини ёриб чиқяпмиз! Мустақил фикрига эга, элим, юртим, деб ёниб яшаётган билимли ёшларни давлат раҳбарининг ўзи атрофига қорламоқда, уларга имкон бермоқда.

Бундан буён хорижда ўқиб қайтган кадрларни ишга олишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди, ота-оналар фарзандини ҳавотириб бегона юртларда қолиб кетишидан хавотирланмайди, деган умиддаман.

Айни пайтда Сеул фан ва технологиялар миллий университетида машинасозлик йўналишини бўйича таҳсил оляпман. Мақсадим мамлакат ривожига муносиб улуш қўшиб, соҳамда янгилик қилишдир. Амминанки, бу эзгу орзу-ният рўёби ўзини узок куттирмайди.

ENTROM


АБАЙ яшайди АБАД!



Қозок элининг буюк оқини Абай Қўнонбоев адабий меросини кенг ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети-

да “Абай ва ўзбек адабиёти” номли экспозиция ташкил қилинди. Унда мутафаккир шоирнинг ҳаёти ва ижоди, қолаверса, халқларимиз ўртасидаги дўстлик

алоқаларининг чуқур тарихий илдизлари ҳақида гувоҳлик берувчи қўлаб фактик материаллар — илмий, бадий асарлар, суратлар ўрин олган.



DOLZARB MAVZU

ЎЛДИНГ — АЗИЗ БЎЛДИНГ

Баходир МУХАММАДИЕВ,
Тошкент шаҳридаги “Кулол-Қўрғон”
жоме масжиди имом-ноиб

Орамизда “Ўлдинг — азиз бўлдинг” трагик комедиясини кўрмаганлар топилмас керак. Келинг, унинг сюжетини бир эслайлик: кексаёиб қолган Мавлон ота дўсти Йўлдошнинг таъзиясига бориб келади ва у ердаги ҳолатдан жуда таъсирланади. Ошнасининг яккаю ёлғиз ўғли етиб келолмай, отанинг ўзгалар томонидан тупрокка қўйилгани Мавлонни ташвишга солади. Шу он ўзининг эртаси ҳақида ўйлаб қолади. Бир куни омонатини топширганида, унинг ҳам бошида “отам”лаб турадиганлари келмай қолса-я!.. Бундан чўчиган қария бир хийла ўйлайди. Рафиқаси ва дўстини ёнига чақиртириб, ўзини ўлдига чиқаришларини тайинлайди. Шу йўл билан кимнинг қандайлигини билиб олмакчи бўлади.

Юқоридаги воқеаларни бежиз ёдга олмадик. Ота-онани тириклигида бир оғиз ширин сўзини аяган, ўлган эса, дол-фарёд қилувчи ўғил кизларни кўриб ёқа ушлайсан, киши. Наҳотки, бундай кўзбўямачилиқдан улар заррача андиша қилмас! Аллоҳнинг иродаси билан мусулмон одам вафот этгач, марҳумнинг уйига бориб Қуръон тиловат қилинади, ҳақиқа дуо ўқилади. Шундан кейин уч кун азадор хонадонга келиб, таъзия изҳор қилиш мумкин. Аза маросимларида дабдабобозлик, шуҳратпарастлик, исрофгарчилик каби иллатларни кузатишимиз. Динимизга мутлақо зид бу ҳолатнинг илдизи қаерда? Бу борада имом-хатиблар, маҳалла етакчилари тарғибот ишларини олиб бораётганига қарамай, масала ҳамон долзарблигига қолмоқда. Хўш, нега? Масъуллар ўз ишнинг етарлича бажари олмаётганими ёки билганимиздан қолмасликка шунчалик ўрганиб қолдикми?

Республикамиз бўйлаб олиб борилган ўрганишлар давомида айрим ҳудудларда майит чиққан хонадонда турфа таомлар тайёрлаш, келганларга пул ва бошқа хилдаги ҳадялар улашиш ҳолатлари ниҳоятда авж олгани маълум бўлди.

Хусусан, Қашқадарёнинг Дехқонобод туманидаги айрим кишлоқларда

марҳум дафн этиладиган куни ўн-ча хисори қўй сўйилиб, келганларга шўрва тортилади. Камига ҳар бир кишига ўртача 25-30 минг сўм пул тарқатилади. Қозон-қозон оват, тандир-тандир нон исроф бўлиб қолаверади. Чунки таом тортилгани билан қошиқ берилмайди, қосадаги гўштни ҳар ким ўз олдидидаги нон устига қўйиб, шўрвани хўшлаб ичади. Қарабизки, дастурхон тўла ивиган нон, чала ичилган шўрва, еб улгурилмаган гўшт. Бундай исрофгарчиликни кишлоқ оксоқоллари, маҳалла мутасаддилари, дин пешволари, хусусан, жаноза ўқийдиган муллалар кўрмайди, дейсизми?! Кўради! Бироқ вазиятни ўнглашга ҳаракат қилмайди. Чунки ўзи ҳам ўша пулдан олиб, ўша оватдан ейди-да.

Самарқанд вилоятида “етти”, “йигирма”, “қирк” маросимлари чоғида аёлларга бир қўйлақлик мато, шарф, сочиқлар, совун бериш урф бўлса, Жиззах, Сирдарё томонларда хануз тоғлик қипчоқларга хос садр тушиш маросими ўтказилар экан. Дунёдан кўз юмган яқинининг аламига чиқолмаган бир гала аёл ўртага тушиб, қўшиқ каби айтим қўйлашини эшитиб, ажабланасиз. Фарғона вилоятида эса, уч кунлик

жаноза ўтиб бўлгач ҳам ҳафтанинг ҳар пайшанба куни уй эгалари эрталабдан қозон осиб, “меҳмон” кутади. Кейин маҳаллий аёллар иштирок этадиган “каъда” маросими бошланади. Қизғин, бунда уй эгалари аёлларга қиймати юқорирок нарсалар бериши керак. Бунинг давомида “52” ёки “53” деб аталувчи маросим ҳам бор.

Биз келтирган мисоллар ҳамир учидан патир, холос. Республикаимизнинг олис ҳудудларида бундан-да аянчли ва ачинарли ҳолатлар юз бермоқда.

Бошига мусибат тушган инсонни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан эзувчи ва ҳатто, хижолат қилиб қўядиган бундай бўлар-бўлмас одатларнинг пайини қирқиш вақти келмадимиз? Яқинидан айрилиб, қўнғилига қил ҳам сизмай турган одамга бозорга бориш, сарф-харажат қилиш, ошпаз ёллаш каби ташвишлар ортиқча-ку, ахир.

Азага келган одам ғамдан қалди букилиб кўзёш тўқаётганларни кўриб туриб, лунжини тўлдириб оватқат ейиши жуда хунук ҳолат! Бундай беодобликни асло ёқлаб бўлмайди!

“Етти”, “қирк”, “йил” деб аталадиган маросимлар шариятимизга мутлақо беғоналиги, марҳумни оила аъзолари ва яқин қариндошлари даврасида эслаш афзал экани, марҳум номидан ёки савобини марҳумга бағишлаб эҳсон қилинмоқчи бўлса, бунга имкон қадар ихчам шаклда амалга ошириш ва фақат тор даврани тақдир қилиш лозимлигини халққа, хусусан, аёлларимизга тушунириш зарур.


Яна бир оғрикли савол бор: Аллоҳ томонидан буюрилмаган ва биронта ҳам муқаддас китобда зикр этилмаган, балки илмсизлик туфайли урчиб кетаётган бўлмағур маросимлар бошида турган муллаю эшонлар нега бу ҳақда лом-мим демайди? Улар одамларга тўғри тушунча бериб, хурофотдан қайтариши керак аслида. Агар тарғибот-ташвиқот ишларини илмий асосда олиб бурсак, урф-одатларимизни исломий қоидаларга мувофиқлаштирсак, шохона дастурхон ёзиш ўрнига эҳтиёжмандларга ёрдам берсак, бундан ортиқ савоб бўлмайди.

Унутмайлик, дин тешвосининг вазифаси фақат маросимларни ўтказиб бериш эмас, балки шариятни жорий қилиш, қавмининг ибодатини тўғри ташкил қилишдан иборат. Шундай экан, халққа ҳар қайси маросимни қандай ниятда ўтказиш кераклигини уқтирайлик, унинг савоби энг кўп ҳосил бўладиган шаклларини ўргатайлик, қўнчилиқни тўлаб, таом улашишдан кўра фойдалироқ амаллар борлигини эслатайлик.

IMKONIYAT

Элдор НАВРЎЗОВ

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРГАН БОШҚАЧА



Ёшлар иттифоқи тизимида эълон қилинган “Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ойлари” ўз ниҳоясига етди. Унинг доирасида жиссаҳлик етакчилар Самарқанд ва сирдарёлик сафдошлари билан ўзаро тажриба алмашди.

Жиззах ёшлари Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабида бўлиб, дастлаб “Мактаб тарихи музейи” билан танишди. Биринчи Президентимиз тахсид олган ўқув масканининг тарихи, Ислоҳ Каримов билан боғлиқ ёрқин хотиралар ёдга олинди. Шундан сўнг икки вилоят етакчилари жонли мулоқотга киришди.

Оқолтин туманидаги 5-умумтаълим мактабида эса, ҳужжат юритиш, ўқувчилар билан ишлаш, уларни рағбатлантириш борасидаги тажриба ўрганилди.

Шунингдек, ўзаро дўстлик ҳақидаги шартнома имзоланди.

— Бундай ташаббус келгуси фаолиятимизда



ўз самарасини беришига ишонаман, — дейди Жиззах вилояти “Қамалак” болалар ташкилоти раиси Шохида Даманова. — Бошқа вилоятларга ҳам чиқиб келишни режалаштирганмиз. Дўстлик шартномасига мувофиқ, Самарқанд ва Сирдарё ёшларини Жиззахга таклиф қилдик. Бир-биримиздан ўрганса бўладиган жиҳатлар талайгина. Инсон янги билимларни ўзлаштирса, такомиллашиб боради.

Етакчилар ўртасида ташкил қилинган “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам кўпчилиққа манзур бўлди. Бундан ташқари иштирокчилар учун тарихий қадамжоларга зиёрат уюштирилди.

JAMOATCHILIK NAZORATI

ЭЪТИБОР БЎЛСА ҚАНИЙДИ

Л.САТТОВА



Бошқа бир манзарага эътиборингизни қаратсак. Қоракўл туманида салкам минг нафар ёш истиқомат қилади. Эллик иккита умумтаълим мактаби, саккизта касб-хунар коллежи, битта лицей, бешта спорт мактаби ҳамда етмиш иккита корхона мавжуд. Барчасида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари тузилган. Бироқ аксарияти хона ва техник жиҳозларсиз фаолият кўрсатаётгани кишини таажублантиради.

Баъзи таълим муассасаларида раҳбар ва бошланғич ташкилот етакчиси ўртасида низо борлиги сабаб иш унумдорлиги жуда паст.

Туман марказидан анча олдига жойлашган “Жигачи” ҳудудидаги 44-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилот етакчиси хонасида бўлдик. Хона таъмирга муҳтож, элик-деразалари аянчли аҳволда, техник жиҳозлар умуман мавжуд эмас.

— Мактабимизда 260 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди директор Хуррият Бекмуллоева. — Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши тавсияси билан Акмал Ҳамроев етакчи этиб сайланди. Унда педагогик салоҳият йўқ. Арз-шиқоятдан нарига ўтмайди. Мактабда бор-йўғи битта компьютер бор.

Ишлаб чиқариш корхонасидаги усқуна носоз бўлса, чўнтакка зиён етади. Кишлоқ ҳўжалигида йўл қўйилган биргина хато қўсқа вақт ичида ҳосилнинг пайхон бўлишига олиб келиши мумкин. Таълимдаги камчиликлар эса, бир авлод воғта етгач кўзга ташланади. Ёшлар — келажак бунёдкори. Уларнинг тарбиясидаги нуқсонлик бора-бора катта муаммоларни келтириб чиқаради.

Кўп йиллар халқаро фан олимпиадалари совриндорларини чиқарган Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати бугун эътиборга муҳтож. Муассасада ёпиқ спорт зали йўқ. Ташқаридаги ўйингоҳ эса, таъмирталаб аҳволда.



Мактаб-интернатда 368 нафар йиғит-қиз таҳсил олади. Бироқ ётоқхона фақат 50 ўринга мўъжалланган. Шунда ҳам унда 110 нафар ўқувчи истиқомат қилмоқда. Учта синф хонаси ётоқ жойи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Таълим масканининг деворлари нураб



бормоқда. Шунга қарамай, ўқувчилар дарсага фаол қатнайдилар. Уларга қирк етти нафар олий тоифали тажрибали ўқитувчи ҳамда ўн нафарга яқин Халқ таълими аълочилари сабоқ бермоқда. Ички тартиб-интизом анча қатъий. Ўқувчилар синов асосида қабул қилинади. Айтилик, жорий ўқув йилида 30 ўринга 500 нафардан ортиқ ёш давogarлик қилган. Мана шундай нуфузга эга таълим масканининг бугунги аҳолини яхшилаш, моддий таъминотига эътибор қаратиш мутасаддилардан фаоллик ҳамда талабчанликни талаб қилади.

YURTIM MANZILLARI

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН

Хусан НУСПАТОВ

“Хислат” маҳалласи Олмазор туманидаги Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган. Маҳаллий аҳолининг салмоқли қисмини зиёлилар ташкил қилади.

Ҳудуд “Обод маҳалла” дастурига киритилган бўлиб, кенг бунёдкорлик ишлари ҳисобига тобора чирой очмоқда. Шу кунгача 300 метр квадрат ҳажмдаги ички йўллар асфальтланди. Олтига кўп қаватли уйнинг том қисмига профнастил қопламалари ётқизирилиб, ўн иккита уйнинг ертўласи капитал таъмирдан чиқарилди.

Ватан ичра кичик ватан ободлигига Тошкент тиббиёт академияси талабалари ҳам муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу бежиз эмас. Ахир, “Хислат” маҳалласи ҳудудида таълим даргоҳига тегишли олтига талабалар тураржойи мавжуд. Янги ўқув йили бошланиши билан фаол йиғит-қизлар кўнгили ёшлар гуруҳини тузди. Улар дарсдан кейин режа асосида маҳалла фаоллари ва умумий амалиёт шифокори билан биргаликда тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб, уларга керакли муолажалар кўрсатмоқда. Шунингдек, талабалар теварак-атрофда тинчлик-осойишталикни таъминлашга ҳам беминнат улуш қўшмоқда.

— Маҳалламизда шунча ўзгаришлар бўлиб турган бир пайтда биз, ёшлар бир четда қўл қовуштириб ўтиролмаيمиз, — дейди Ёшлар иттифоқининг Тошкент тиббиёт академиясидаги бошланғич ташкилот етакчиси вазифасини бажарувчи Дилмурод Анваров. — Ёш келса ишга, деганларидек қўлни-қўлга бериб амалий ҳаракатларни бошлаб юбордик. Ҳар куни кўнгили сифатида олти нафар талаба ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни бепул тиббий кўриқдан ўтказаяпти. Соғлиғидан шикоят қилган ҳамда турли хасталиқларга чалинган фуқаролар алоҳида назоратта олиниб, уларга тегишли даво чоралари белгиланмоқда

ҳамда тиббий-профилактик кўрсатмалар берилмоқда. Бир қарашда оддийдек туюлган қон босими, ўпка фаолияти ва юрак уришини бир мезъорга келтириш ҳам биз учун катта натижа. Айниқса, ёши улуг отахону онахонлар шифокор кўрсатмаси асосида дори-дармон ва малҳамларини қабул қилишда яқиндан ёрдам бераётгани учун талабалардан мамнун. Нуруний кексаларнинг дуосини олиш қимни ҳам ҳушнуд қилмайди дейсиз.

Таъкидлаш жоизки, жонқуяр, фидойи ёшлар маҳалла ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда посбон Баҳром Чоршанбиевнинг яқин кўмақчиларига айланган. Жадвал асосида талабаларнинг кеч соат 20:00 дан 24:00 гача тунги навбатчилиги йўлга қўйилгани кўзланган натижани беришти.

Маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Тошмухаммедова даромад топиш мақсадида чет элга кетган 18 нафар фуқаро юртимизга қайтарилиб, иш билан таъминланганини таъкидлайди. Шунингдек, 38 нафар ёшга доимий иш топиб берилди. Тураржойга эҳтиёжманд ва ногиронлиги бор 16 нафар юрдошимиз эса, бошланғич тўловсиз Олмазор ва Сергели туманларида қурилган уйларга эга бўлди. Ҳа, инсон манфаатларини кўзлаб қилинаётган бу каби хайрли ишлар халқнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш, эл-юрт фаровонлиги йўлида толмай меҳнат қилишига имкон бермоқда. Мана шундай дориламон қунарлар фурсатни бой бермай, тараққиётга хизмат қиладиган ташаббусларга қўл уриш айни муддао.

PSIXOLOG MASLAHATI



Savolga psixolog Shahnoza XALILOVA javob beradi:

— O'tgan ishga salavat. Harchand siqilmang, vaqtni ortga qaytarolmaysiz. Ruhiyatingiz so'ngani qoladi, xolos. Bu esa, kelgusi rejalaringsizga salbiy ta'sirini ko'rsatishi aniq. Inson muvaffaqiyatsizlikni qabul qilishni ham bilishi kerak. Chunki mag'lubiyat keyingi yutuqlarga zamin hozirlaydi.

Oliyogha kirolmadim, bir yil umrim besamar ketadi, deb aslo qayg'urmang. Bu omadsizlik siz uchun sinov. Yana o'qib-o'rganib, bilimingsizni mustahkamlab olasiz.

— Yoshim 19 da. Kasb-hunar kollejini tamomlab, oliy o'quv yurtiga hujjat topshirdim. Ammo kirolmadim. Bundan uydagilar ham tushkunlikka tushgan. O'zimni qo'lidan hech ish kelmaydigan omadsiz insondek his qilyapman. Bu vaziyatdan chiqib ketishni istayman, qanday maslahat berasiz?

Sardor BEKMURODOV
Kattaqo'rg'on shahri

Maslahatim, avvalo, hayot bu bilan tugab qolmaganiga o'zingizni ishoniring. Kun bo'yi bir joyda, hech kim bilan muloqot qilmay o'tirish ichingizni battar yemirtiradi. Undan ko'ra ko'chaga chiqing, do'stlarga qo'shiling, hech bo'lmasa, badiiy kitob mutolaa qiling. Xullas, yomon o'y-fikrlardan yiroqlashish kerak. Ana undan keyin kitob-daftarni qo'lga olib, tayyorgarlikni boshlasangiz bo'ladi. Ishoning, hammasi hali oldinda.

HIKMAT

Tutgil qarilarning qaltiroq qo'lin,
Qarigach bilursan qarilik yo'lin.

Nosir XISRAV

AZIZ MUSHTARIY!

Intellektual salohiyatingizni sinab ko'rish maqsadida gazetaning 120-soni (2018-yil 16-oktabr)da "Ibn Sino hikmati" topshiriqli aylanma skanvord, 122-son (2018-yil 20-oktabr)da "O'zbek tilim" bilimdonlik mashqlarini e'lon qilgan edik. Quyida ularning javoblari bilan tanishishingiz mumkin.

"IBN SINO HIKMATI" topshiriqli aylanma skanvordning javoblari:

Xorazm. Zargar. Qandil. Langar. Magnit. Samara. Nargis. Varaq. Ananas. Gazeta. Tuluza. Gulobi. Nomzod. Afshona. Tulpor. Ko'prik. Kolumb. Zumrad. Afandi. Nog'ora. Buxoro. Mashrab. Shari. Shiyon. Bog'bon. Chiston. Shamshir. Dafta. Nodira. Javdar. Shtanga. Sur'at. Jomboy. Peshtog.

Hikmat: Biz go'zal bir narsaga odatlanadigan bo'lsak, bu odatimizdan go'zal xulq-atvor yuzaga keladi.

"O'ZBEK TILIM" bilimdonlik mashqlarining javoblari:
KROSSVORD. Zanjir holda: 1. Navoiy. 2. Yo'q. 3. Qavs. 4. Sintaksis. 5. Son.

Eniga: 6. Asil. 9. Lahja. 15. Fe'l. 16. Ert. 17. Ammo. 21. Maqol. 27. Naql.

Bo'yiga: 7. Lavh. 8. Halol. 10. Shaxs. 12. "Sarf". 15. Fonetika. 18. Kelishik. 22. Qodiriy. 23. Oyo'ldi. 24. Izoh. 25. So'z. 26. Zamon. 28. Gap. 29. Pand. 30. Do'st. 31. "Saydana". 32. Avloniy.

Yoy bo'yicha: 10. Sheva. 11. Asos. 13. Ot. 14. Tasnif.

Diagonal bo'yicha chappa: 19. Atoqli. 32. Aloqa.

Diagonal bo'yicha o'ngga: 20. Qorluq. 31. Sodda.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar: 1. Yuklama. 2. So'roq. 3. Ega. 4. Hol. 5. Jo'nalish. 6. Faxr. 7. Tub.

Hikmat: O'qishga, bilishga va tarjimon til, Ro'shnolikka eltir kishini u, bil.

Yusuf Xos Hojib

Bugun Chikagodan xat oldim. Unda onamning vafot etgani haqida yozilgan. O'zimni yo'qotib qo'ydim. Dunyoni zulmat chulg'ab olgandek tuyuldi. Onamni endi hech qachon ko'rolmasligim va u bizni tark etgani aqlimga sig'masdi. Yuragimdan xuddi nimanidir sug'urib olingandek bo'ldi...



Charles ENRAYT


Qo'shaloq qayg'u

Uyga arang kirib bordim. Zudlik bilan yo'lga chiqish kerak, ammo negadir bunga hafsalam yo'q edi. Onajon, meni kechiring, eng kerakli paytda yoningizda bo'lolmadim! Ish, uy-joy, xotin, bola-chaqani sizdan afzal ko'ribman. Ayolim kayfiyatim yo'qligini yuzimdan payqagan bo'lsa-da, telefonda dugonasi bilan suhbatlashishdan to'xtamasdi. Hech qayerga, hatto ich-ichimga sig'may ketayotgandim. Xotinimning ming'ir-ming'iri, hadeb hirlashgani jig'imga tega boshladi. Shartta o'mimdan turdim-da, qo'lidan telefoni tortib olib, o'chirib qo'ydim. Bunday munosabatni kutma-

gan rafiqam:
— Ha, nima balo, jin chaldimi? — dedi vajahat bilan.
— Undan ham battar. Onam... onam o'ldi...
— Ha, shundaymi? O'lsa-o'lar, shunga shunchami? — dedi u beparvolarcha.
— Sen... Nimalar deydansin axir?!
— Shu payt gapim og'zimga qolib, qo'ng'iroq chalindi. Ayolim hech nima bo'lmagandek go'shakni ko'tardi.
— Allo... Nima? Kim? O-o-onam... Nega? Qachon? Mayli, yetib boramiz...
U telefoni qo'yar ekan, alam bilan achchiq ko'z yosh to'kardi.

Ingliz tilidan Gulnoza AMIROVA tarjimasi.

SIZ NIMA DEYSIZ?

ISHONCHSIZGA
CHIQUIB QOLAYOTGAN
ODAMLAR

SHOHIDBEK
Gohida o'ylab qolaman: yo zamon o'zgargan yoki odamlar boshqacha. Ko'pchilikning turish-turmushi, muomala madaniyati, qo'yingli, hatto fe'l-atvorida allanechuk sun'iylik paydo bo'lgandek tuyuladi menga. Lekin xalq yomon yashayapti, deydolmaymiz. Aksincha, hayotimiz tobora farovonlashmoqda. Bugungi kunda yashashga joyi, yeyishga osh-noni yo'q insonni kamdan-kam uchratsiz.

Bozorlarimiz ham to'kin-sochin. Yilning istalgan faslida meva-cheva, sabzavot ekinlari topiladi. To'g'ri, narx-navo o'zgaruvchan. Lekin, harqalay, ko'nglimiz tusagan narsani olib yeyishga qurbimiz yetmoqda.

Yakshanba kuni erta uyg'onib, choyimni ichdim-u, darhol bozorga otlandim. Oyim tuzib bergan ro'yxat bor, shunga yarasha pul olganman. Shukrki, oilamiz katta. Bozor-o'chaga chiqsam, ikki qo'lim to'lib kelaman.

Bozorga yetib keldim. Rastalar gavjum. Sotuvchi ham, sotiluvchi mol ham, xaridor ham bisyor. Xohlagan narsani saralab olaverasiz. Men ham kerakli mahsulotlarni birin-ketin xarid qila boshladim.

Ro'yxatga qarab qo'yaman. Navbat guruchga yetdi. Hammasini shoshilmay ko'zdan kechirib, nihoyat, ma'qul kelganidan besh kilo tortib berishni so'radim. Shu payt bir ayol yonimga kelib, meni so'roqqa tutib ketdi:

— Guruch qancha ekan? Oqshoq aralashmaganmi? Ishonchlimi, ishqilib? Qancha olyapsan?

— Assalomu alaykum, xola. Sakkiz mingdan olyapman. Oqshoq aralashirilgani qanaqa bo'ladi? — dedim hayron bo'lib.

— E, o'g'lim. O'tgan kuni xo'jayinim bir qop guruch olib kelgandi. Osh qilsam, o'xsha-

maydi, qaynatsam, bo'tqaga aylanadi. Shuning uchun so'rayapman-da, — dedi u.

— Yuz foiz ishonchli, — gapga aralashdi sotuvchi yigit menga yelimxaltani uzatar ekan. — Agar yoqmasa, istalgan vaqtda qaytarib olib kelaverasiz. Bizda ham insof bor! Sifatsiz mol sotib, qarg'ishga qolishni istamaymiz.

Men guruch haqini berib, yo'limda davom etdim.

— Sut qanchadan? — dedim navbatdagi rastaga yaqinlashib.

— Qaysi birini so'rayapsiz? — javob qaytardi sotuvchi opa.

— Hammasi bir xil emasmi?

— Yo'q, ikki xil sut bor, bunisi sal qimmatroq.

— Ie, bu yog'i qiziq bo'ldi-ku! Nima, arzonning biron aybi bormi? — so'radim hayron bo'lib.

— Voy, ukam-ey. Sen qaysi zamonda yashayapsan?! Arzoniga suv qo'shiladi, shuning uchun suyuqroq. Men olib sotarman. Qani endi, sigirim bo'lsa-yu, sutning aslini taklif qilsam.

Uyga qaytar ekanman, ishonchsizga chiqib qolayotgan mahsulotlar haqidagi o'ylar menga sira tinchlik bermasdi. Odamlar pulni deb nimalar qilmaydi-ya! Bu ketishda hayotimiz aldovdan iborat bo'lib qolmasikan? Siz nima deysiz, zamondosh!

O'QING, BU OZIQ!

- ✓ Har ikki haftada oshqozonimiz ichki qobig'ini yangilab turadi. Aks holda, bu hayotiy zarur organ o'zini o'zi hazm qilib yuborishi mumkin..
- ✓ Oshqozon ajratib chiqaradigan kislotalar hatto rux moddasini eritishga qodir.
- ✓ Uzoq vaqt turib qolgan choy oshqozon devorlarini qoplay, yara hosil qiladi.



OLY MAJLIS HUZURIDAGI JAMOAT FONDI

"SOG'LOM TURMUSH TARZINI YUKSALTIRISHDA FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI FAOLLIGINI OSHIRISH, UNING NATIJALARINI OAVLARIDA KENG YORITISHNI QO'LLAB-QUVVATLASH" MAVZUIDA DAVLAT GRANTI QO'SHIMCHA TANLOVINI E'LON QILADI

Tanlovga nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarini quyidagi ijtimoiy maqsadlarni amalga oshirishni nazarda tutgan loyihalari qabul qilinadi:

1. Aholining keng qatlamlarini (nuroniyalar, yoshlar, ayollar va boshqalar) jismoniy tarbiya va sportga jalb qilish;
2. Mahallalarda jismoniy tarbiya va sportni rivojlanishiga shart-sharoit yaratish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirishga ko'maklashish;
3. Yoshlarning uyushmagan qatlamlarini turli sport to'garaklariga, sport musobaqalariga jalb qilish, bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish;
4. Tog'li, uzoq va chegara hududlarida aholini jismoniy tarbiya bilan shug'ullanishiga keng shart-sharoit yaratish;
5. Sog'lom turmush tarzini qaror toptirishda

ta'lim va sog'liqni saqlash muassasalari, mahalla hamda oilaning o'zaro hamkorligini kuchaytirish;

6. Davlat organlari bilan hamkorlikda mahallalarda turli sport to'garaklari faoliyatini yo'lga quyish, ehtiyojmand oilalar vakillarini muntazam jismoniy tarbiya bilan shug'ullanishini ta'minlash;
7. Sog'lom turmush tarzini targ'ib etishga qaratilgan ko'rgazmali materiallarni ishlab chiqishda ijtimoiy sheriklikni kuchaytirish;
8. Mahallalarda turli yo'nalishlarda sport va xalq o'yinlari musobaqalarini tashkil etish;
9. Nogironligi bo'lgan yoshlarni sport bilan shug'ullanishiga turli sport sohasidagi nodavlat notijorat tashkilotlari faolligini qo'llab-quvvatlash;
10. Sog'lom turmush tarzini qaror toptirishda OAV roli va ahamiyatini kuchaytirish;

11. Mahallalarda xalqaro musobaqalar g'oliblari, respublika chempionlari va sport ustalari ishtirokida turli ma'naviy tadbirlar tashkil qilish.
- Davlat granti tanlovida ishtirok etish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:
1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati;
 2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklda to'ldirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza;
 3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizom) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi;
 4. Agar loyihani amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.
 5. Manfa'atdor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalar ilova qilinishi mumkin.

Tanlovga nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarini quyidagi ijtimoiy maqsadlarni amalga oshirishni nazarda tutgan loyihalari qabul qilinadi:

1. Fuqarolarning kafolatlangan mehnat huquqlarini va qonun hujjatlarining mazmun-mohiyatini, ularga rioya etilishini keng targ'ib etish;
2. Majburiy mehnatni oldini olish bo'yicha davlat organlari, shu jumladan huquqni muhofaza qilish organlari bilan ijtimoiy sheriklikni kuchaytirish;
3. Mehnat qonunchiligi talablarini bajarilishi, majburiy mehnatga yo'l qo'yimaslik yuzasidan aholi bilan ochiq muloqot mexanizmlari-

ni joriy etish;

4. Uyushmagan, ishsiz fuqarolarning bandligini ta'minlashga, ularni tadbirkorlik va oilaviy biznesning turli shakllariga keng jalb qilishga ko'maklashish;
5. Davlat vakillik organlarining fuqarolarni kafolatlangan mehnat huquqlarini ta'minlash masalalari bo'yicha hududiy komissiyalari bilan hamkorlikda jamoatchilik nazoratini amalga oshirish;
6. Bolalar mehnati va majburiy mehnat masalalari bo'yicha muvofiqlashtiruvchi kengash bilan hamkorlikda erishilgan ijobiy natijalar barqarorligini ta'minlash chora-tadbirlariga ko'maklashish;

Davlat granti tanlovida ishtirok

etish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati;
2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklda to'ldirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza;
3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizom) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi;
4. Agar loyihani amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.
5. Manfa'atdor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalar ilova qilinishi mumkin.

Bitta loyiha uchun davlat granti miqdori – 30 million so'mgacha.
Hujjatlar 2018-yil 26-oktabrdan 28-noyabrgacha qabul qilinadi.

Hujjatlar Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondi nomiga:

100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 43-uy manziliga "O'zbekiston pochatasi" orqali muhrlangan konvertida (A4 formatda) yuborilishi shart.

Hujjatlar namunalari bilan Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondining www.fundngo.uz rasmiy veb-saytida tanishish mumkin.

Ma'lumot uchun telefonlar: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdiyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina – bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi
To'maris Butunboyeva

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.

Navbatchi
To'maris Butunboyeva

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyat-matbas aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136
Adadi — 11093

Boshlagha topshirish vaqti — 21.00
Toshkent — 22.55

Gazeta materiallari fahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5